



Носир Фозилов ва болалар адабиёти

Ўткир Абдуназаров

Термиз давлат университети

Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси

Тел:+99899 429 45 51

Аннотация: Ушбу мақолада машҳур адаб Носир Фозиловнинг болалар адабиётидаги мустаҳкам ўрни асосан, қиссалари ва ҳикоялари таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Болалар адабиёти, қисса, ҳикоя, имло, алифбо, тетралогия, автобиографик роман.

Бадиий адабиётда ҳаёт гўзалликлари, инсоннинг маънавий олами ва ижтимоий фаолияти маълум бир эстетик категориялар орқали ўз ифодасини топади. Бадиий адабиётнинг эстетик категориялари дейилгандан, поэтик идрок этилган ҳаётий воқеликни тасвирлаш йўллари, бадиият қонуниятлари силсиласи назарда тутилади. Таниқли адабиётшунос олим ва танқидчи Матёқуб Кўшжоновнинг фикрича, “Эстетик категория – бу ҳаёт гўзалликларининг адабиёт ва санъатда инъикос кўринишларининг тасвир йўлларидир”¹. Ўзбек насли тараққиётига катта ҳисса қўшган А.Қодирий, А.Чўлпон, А.Қаҳхор, Ш.Холмирзаев, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов ва бошқа насрнависларнинг яратган асарларида серқирра маънавий олам соҳиби ва ўзига хос тақдир эгаси бўлган кишининг ранг-баранг образлари яратилган. Шулар қатори болалар адабиёти наслига ҳам Н.Фозилов, Х.Тўхтабоев, Л.Махмудовлар ўз ижодлари билан салмоқли ҳисса қўшдилар. Асарлари болалар орасида ҳам, катталар орасида ҳам севиб ўқиладигаан ёзувчи Носир Фозиловни серқирра ижодкор десак фикримизда асло муболага сезилмайди, чунки адабнинг болаларга бағишилаб ёзилган ҳикоялари ўзбек болалар адабиётининг мухим бир бўлраги сифатида эътироф этилмоқда. Ёзувчининг биринчи тўплами “Ирмоқ” 1959 йилда нашр этилди. Сўнгра “Оқим”, “Қуш қаноти билан”, “Қорхат”, “Қўклам қиссалари”, “Саратон”, “Ташвиш”, “Робинзонлар”, “Дийдор”, “Танланган асарлар” 2 жилдлиги, “Болалигим-подшолигим”, “Шум боланинг набиралари” каби бир қатор ҳикоя ва қиссалари дунё юзини кўрди. Адаб ҳикояларида уруш даврида ҳалқ ҳаётининг оғир кечмиши қаламга олинади. Унинг “Саратон” қиссаси

¹М.Кўшжонов. Сайланма. Икки жислдлик. 2-жислд. – Тошкент, 1983-й 137-бет



ижодидаги алоҳида саҳифани ташкил этади. Асардаги бош қаҳрамонлар ҳисобланмиш Тўра билан Камолалар ёзувчининг болаликдаги тенгдошлариdir. Бу икки қаҳрамоннинг халқ мушкулини енгил қилиш ва эзгулик учун курашишлари, эл юрт тинчлиги йўлида фидойилик кўрсатишлари жиҳатидан адабнинг бошқа асарларидағи қаҳрамонларга ўхшаш жиҳатлари мавжуд. Қишлоғидан катталар фронтга кетгач Тўра чўпонлик қилиб пода боқади. Унинг пода кетидан чанг ютиб саргардон юришига уруш сабабчи албатта. Колхознинг чўпони бўлмиш Фиёс аканинг урушга чақирилиши, эридан қора хат келгач аламини кимдан олишни билмай заҳар закум ютиб юрган Зулайҳо хола сузмасини ўғирламоқчи бўлган Франтешкони калтакламоқчи бўлади. Тўра, Камола билан биргаликда болани ҳимоя қилиб анча гап сўз орттириши тасвиридан сўнг қаҳрамонларнинг одатдаги ҳаёт тарзи ўзгаради. Бундай ўзгариш фақатгина ташки томондан бўлмай, айни пайтда уларнинг маънавий олами, ички дунёси ва рухиятида ҳам содир бўлади. Адабнинг ёзувчилик маҳорати ўқувчини асар қаҳрамонларининг характер харакатларига тўлиқ ишонтиришида қўзга ташланади. Носир Фозилов ижоди ютугини таъминлаган яна бир қирраси шундаки, унинг сўзга қаҳҳорона ҳассослик билан ёндашишидир. Адаб асарларини ўқиган хар бир ўқувчи болалар адабиёти қуруқ панд насиҳатдан иборат, деган хуносага келмайди. Адабнинг “Саратон” қисссасининг марказида бош қаҳрамон Тўра билан Камола турсада, муаллиф бу икки бош қаҳрамон ўша даврнинг машъум воқеаси урушнинг халқ бошига солган кулфатлари ва чексиз синовлари билан биргаликда кўрсатади. Шу сабабли ҳам асарда фронтга кетатганлар ҳамда яқин кишиларидан жудо бўлганлар, фронт учун озиқ-овқат, нозу-неъматлар етказиб беришда жонбозлик кўрсатаётганлар ва фаол бўлганларнинг ёрқин образларини яратган. Адаб шундай эслайди: “Саратон”даги бола ўзимман. Асардаги муҳаббат ҳам менинг биринчи муҳаббатим. Ўша хирмондаги воқеалар ҳам ўзимники. Асардаги Камола билан гаплашган ҳам ўзим. Мен уруши фарзандиман, айни Ватан уруши бошланганида 12 ёшида эдим. Ўша уруши ийларидағи кўрган кечирганларим ҳарактеримга обдон сингиб кетган. Шу ёшида гўза оралаб сув сугорганман, хирмон совурганман. Шунинг учун тенгқурларимдан уч йил кейин дорилғунунга ўқишига кирганман”². Ёзувчи ҳикояларида сюжет қизиқарли тарзда кечади. Бу ҳикояларда қаҳрамонлар ҳаётидаги мураккаб вазиятлар маҳорат билан тасвирланади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки Носир Фозиловнинг кўплаб асарлари жумладан “Куш қаноти

²Н.Фозилов “Носир ва носир сўзи”. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015-й 18-б.



билин”, “Кор хат” қиссалари қаҳрамони тилидан ҳикоя қилинади. “Қуш қаноти билан” қиссасида бош қаҳрамон Сарвар тилидан воқеалар ҳикоя қилинса, “Кор хат” қиссаси эса Соғиндиқ тилидан чиройли тарзда тасвир қилинади. Соғиндиқни дўсти Асетни уйига бориши, Асет билан биргаликда бошидан кечирган саргузаштлари, қор хатда ютқазиб милтиқ билан овга чиқиши, дарёдан балиқ овлаганлари ёш ўқувчини асарга нисбатан қизиқишини орттиради. Ёзувчи икки миллат болаларини дўстлик ришталарини ва бир бирларига бўлган садоқатини кўрсатиб беради, болаларни топқир, чидамли, билимли бўлишга даъват этади. Адибнинг “Ташвиш” қиссасида бош қаҳрамон Сафаралининг улуғ Ватан уруши билан боғлиқ хотиралари ҳақида сўз боради. Қиссанинг ташвиш деб номланиши хам бежиз эмас, унда Сафаралининг бошига тушган ташвишлари, ўтмиш ҳаётидан қизи борлигини билиши, дўстидан бориб маслаҳат сўраши, асар сўнгида севган ёри Муҳаббатдан ўғил кўриши маҳорат билан тасвирланган. “Оқим” қиссасида эса эски бир тизимнинг тугаши ва янги тизим шаклланиш жараёнлари, бу ўзгаришларга одамларнинг муносабати кўрсатилади. Қиссада Суюм оғанинг тақдери, унинг ҳақгўйлиги, баҳт излаб саргардон бўлиши, шоирликка мойил ва илмга интилувчан қалбининг парчаланиши ва ниҳоят излаганларига эришолмай ўлдирилиши, унинг фарзандлари Зиёбек ва Кенжанинг машшакқатли ҳаёти, тухмат билан Асқар аканинг қамалиши, бойнинг қули бўлган Мусонинг севгилиси Ҳурини олиб қочиши, душманлар томонидан Шариф ячейканинг пичоқланиши ва шу билан боғлиқ турли воқеалар ҳамда тақдилар тасвирланади. Шуниси қизиқарлики адаб адабиётимиздан йироқ бўлган мавзуу аммо жуда муҳим бўлган ўсмирларнинг катта дунё сари қадам қўйишли, ўзларининг ҳаётда мустаҳкам ўрнини топишлари, инсон ҳаётини безовчи туйғу бўлмиш муҳаббат, севги ҳиссиётини илҳом билан тасвирлайди. “Саратон” қиссасида Тўра билан Камола, “Оқим” қиссасидаги Ҳури ва Мусолар сийратида ажойиб муҳаббат романтикасини яратади. Бу ёшлар севгисини жозибадорлиги билан кишини ҳайратга солади. Адибнинг маҳорати шуки асарларида ўсмирларнинг қалбида нималар кечаётганию ҳётида рўй берётган воқеаларни реал ҳолатда тасвирлайди. Носир Фозилов яратган ҳар бир янги асарлари билан ижодий парвоз уфқларини кенгайтириб борди. У портрет яратишнинг янги услубларини излаб топди, кашф этди. Қаҳрамонларнинг бир-бирига, ўз-ўзига қиёслаб чизилган ажойиб портрет намуналарини яратди. Адаб образларнинг ташқи қиёфаси билан ички дунёсини уйғун тасвирлаш билан бирга ташқи қўриниш зоҳирий олам ҳамиша ҳам инсонни маънавий оламига мос



келавермаслигини исботловчи характерли қиёфаларни китобхон кўз олдида гавдалантира олди.

Адаб асарларида қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси ички қиёфасига яъни сурати сийратига мос қилиб яратилиши чиройлини чиройли, хунукни хунук қилиб кўрсатилиши диққатга сазовордир. Мисол тариқасида асарларида ижобий образлар Акмал, Сарвар, Тўра, Камола, Ҳури ва Мусоларни келтирсак, салбий образларга Иззатилла, Ҳайдарбой, Тўлбош, Жавлонбекларни келтириб ўтишимиз мумкин. Бу образларни яратишда адабнинг юксак маҳорат соҳиби эканлиги яққол сезилиб туради. Носир Фозиловнинг баъзи қиссаларини орият деб аталмиш умумий рух бирлаштириб туради. Адабнинг том маънода мукаммаллашиб улгурган бадиий маҳорати, туғма истеъоди эса ана шу умумий руҳдан келиб чиқиб турфа қиёфали аммо орият деб аталмиш улуғ бир фазилат бирлаштириб турувчи образлар яратишда инсон руҳий оламининг, ички дунёсининг минг бир манзарасини ҳар гал ўзгача оҳангда тасвирлашга имкон беради. Фикримиз мисоли тариқасида “Қор хат” қиссадаги Соғиндиқ образини олишимиз мумкин. Ёш бўлишига қарамасдан ўзининг жамоасига фахрий аъзо қилиб ўша давр қаҳрамони Қалли отани олдига бориши, бир неча бор учрашсада ўзининг мақсадини айтиолмаслиги ва ўз ватанига бўйнига олган вазифани бажара олмай қайтишини ўйлаб бунга орияти йўл қўймай қанча қийинчиликларни енгиб мақсадига эришиши қиссанинг сюжетини янада қизиқарли қилиб кўрсатади.

Ёзувчининг қиссалари ва ҳикоялари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, шуни таъкидлаш ўринли бўлади ёзувчининг ўз кўзи билан кўрган воқеаларни, айниқса, қўйма аниқлик билан тасвирлай олганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай ўринларда ёзувчи услубида тадқиқ этилаётган обьектдаги ҳар бир детал, нур ранглар жилосини аниқ кўриб, хис эта олган ва уни ўзига ҳос бўёқлар билан гавдалантирган ҳассос ёзувчи қаламини кўрамиз. Бундай услубнинг жозибадорлигини таъминлаган фазилатлардан бири миллий рух-колоритнинг тиниқ ва ҳаққонийлигидир. Носир Фозилов ижодига ҳос яна бир муҳим жиҳат шундаки, унинг бутун ижодига яхши кишиларга чексиз меҳрдан туғилган жўшқин ва майнин лирик йўналиши билан қабиҳ феълли кишиларга нафратдан уйғонган ғазабкор, шавқатсиз сатирик йўналиш ҳамиша ёндош ҳолда боради. Адаб давр ҳодисаларини ҳеч қачон пассив қузатувчи сифатида акс эттиrmайди, балки уларга янги ҳаётнинг фаол курашчилари маъносидаги нуқтаи назар билан қарайди. Шунинг учун ҳам у гўзал ҳодисаларни янада гўзалроқ, хунук ҳодисаларни аслидан ҳам хунукроқ қилиб кўрсатади. Худди шу йўл билан эскиликнинг пайини қирқишига, янгиликнинг ривож топишига кўмак беришига



интилади. Умумий қилиб айтганда Носир Фозилов асарларида кундалик ҳаёт ҳодисалари имконият даражасида охирги нуқтага қадар кескинлаштирилиб, қабартириб берилади, айнан шу кескинлаштириш ва қабартириш оқибатида у тасвир этган кундалик ҳаёт икир чикирларидан юксакликка кўтарилади, яъни оддий ҳаётий ҳақиқатлар кучли бадиий талқин топади ва бир-бири билан уйғулашган ҳолда китобхон қалбига йўл топади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фозилов.Н. Шум боланинг набиралари. Қисса ва ҳикоялар. -Т.:Ёш гвардия нашриёти 1985 й
2. Фозилов.Н. Тушовли той. Қисса ва ҳикоялар. -Т.: Чўлпон нашриёти 2016
3. Фозилов.Н. Кўклам қиссалари -Т.:Ўзбекистон нашриёти 2016 й
4. М.Кўшжонов. Сайланма. Икки жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 1983-й 137-бет
5. Н.Фозилов “Ношир ва носир сўзи”. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015-й 18-б

